


## Жиддада энг кичик Қуръони карим намойиш этилмоқда



15:24 / 03.01.2019 3367

Гиннес рекордлар китобига кирган дунёдаги энг кичик Қуръони карим Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида ташкил этилган IV халқаро китоб кўргазасидан жой олди. Бу ҳақда ал-Халиж хабар манбаси хабар берди. Ушбу Қуръони каримнинг узунлиги 20 мм, кенглиги 15 мм, қалинлиги эса 8 мм.га тенг.

Шунингдек, кўргазмада 180 мингдан ортиқ турли хил китоблар намойиш этилмоқда. Кўргазмага кунига 50 минг нафар томошабин ташриф буюрмоқда. Бу йилги китоб кўргазмаси “Китоб, тинчлик ва бағрикенглик” номи билан аталган бўлиб, унда 40 давлатдан 400 га яқин нашриётлар ўз маҳсулотлар билан иштирок этмоқда.

Кўргазма жорий йилнинг 5 январига қадар давом этади.

*Islom.uz портали таҳририяти*